

Экологик сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш учун
шартнома №ВВ-254

Тошкент шаҳри

24 «январь» 2022йил

Экологик сертификатлаштириш органи номидан “Бажарувчи” сифатида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – (“Давэкосертификат” ДУК) номидан уставга асосан фаолият юритувчи, иккинчи томондан “Буюртмачи” номидан фаолият юритувчи, биргаликда “Томонлар”, алоҳида “Томон” сифатида, куйидагилар бўйича мазкур шартномани туздилар:

I. Шартнома предмети

- 1.1. “Бажарувчи” экологик сертификатлаштириш ишларини олиб боришиň Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конунлари ва Қонун ости меъёрий хужжатларга мувофиқ, ўз зиммасига олади.
- 1.2. “Бажарувчи” экологик сертификат учун тўловни Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий микдорининг уч баравари микдорида ва бунга кўшилган қўймат солиги хисобланган ҳолда амалга оширади.
- 1.3. “Бажарувчи” бажарилган ишларни шартномада келтирилган муддатда ва тартибда қабул қилиб олади ва белгиланган тўловни амалга оширади.
- 1.4. Сертификатлаштиришнинг ижобий натижалари олинган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га экологик сертификатни топширади. Лаборатория синовларининг салбий натижалари, шунингдек, сертификатлаштириш бўйича хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи”га сабаблар кўрсатилган ҳолда Экологик сертификат беришни рад этилиши тўғрисидаги қарор берилади.
- 1.5. Хизмат кўрсатиш бажариладиган ишнинг хусусиятига кўра шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда амалга оширилади. (Шартномага 1-илова).
- 1.6. Хизматларнинг умумий қўймати шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

II. Ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 2.1. Шартнома бўйича хизматлар қўйматига тўлов “Буюртмачи” томонидан мазкур шартнома кўрсатилган нархда ва муддатда олдиндан 100 % тўлов асосида амалга оширилади. Шартномага мувофиқ, тўлов “Бажарувчи”нинг ҳисоб-рақамига пул кўчириш орқали амалга оширилади.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги орқали тўловни амалга оширишда, “Буюртмачи” “Бажарувчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига шартноманинг 1.1. бандига асосан шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичida 30% олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Шартнома бўйича қолган 70% тўлов суммасини “Буюртмачи” ҳисоб-фактураси ва бажарилган ишлар далолатномаси тасдиқлангандан сўнг 15 кун ичida тўлашни ўз зиммасига олади.
- 2.3. Тўловсиз ёки Кўшилган қўймат солиги (КҚС) тўловисиз бажариладиган экологик сертификатлаштириш хизматлари “Буюртмачи” томонидан Ўзбекистон Республикасининг қайси фармон ёки қарорлари асосида амалга оширилаётгандилиги шартномада кўрсатиб ўтилиши керак.
- 2.4. Кўшимча хизматларни амалга ошириш зарурати туғилганда, шартноманинг 1.4. бандида белгиланган шартнома хизматлари қўймати томонларнинг ўзаро ёзма мурожаатлари келишувига мувофиқ, шартномага кўшимча келишув сифатида расмийлаштирилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.
- 2.5. 5 (беш) иш куни мобайнида хизмат кўрсатиш якунлари бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га электрон кўринищдаги ҳисоб-фактураси ва бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) далолатномасини имзолаш учун тақдим этади.
- 2.6. Олдиндан тўлаш лозим бўлган даврда 5 банк иш кунидан ўтгандан сўнг “Буюртмачи” “Бажарувчи”га кўрсатилган хизматлар ҳақини тўламаса, “Бажарувчи” “Буюртмачи”ни хабардор қилган ҳолда бир томонлама тартибда, суд органларига мурожаат қилмаган ҳолда шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга.

III. Шартномани бажариш шартлари ва муддатлари

- 3.1. Экологик сертификатлаштиришни ўтказишини амалга ошириш мақсадида “Буюртмачи” ҳужжатлар рўйхатига мувофиқ “Бажарувчи”га зарурий хужжатларни тақдим этади. Зарурият туғилганда “Бажарувчи”нинг талабларига мувофиқ, “Буюртмачи” кўшимча материалларни тақдим этади.
- 3.2. “Буюртмачи” талаб ётиладиган ҳужжатлар, шу жумладан, “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушган маблағларни тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари тўлиқ тақдим этган тақдирда, қонунчиликда белгиланган муддатларга мувофиқ “Бажарувчи” ишларни бажаришга киришади ва ишларни тўлиқ бажарishiши ўз зиммасига олади.
- 3.3. “Бажарувчи” “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 2.1., 3.1., 3.2. бандлари бажарилмаган ҳолларда “Буюртмачи”ни хабардор қилмасдан ишларни тўхтатиш ҳукуқига эга. 3.2., а срок выполнения работ продлевается на количество дней потраченных «Заказчиком» на их выполнения.
- 3.4. Мазкур шартнома бўйича кўрсатилган хизмат ва ишлар “Бажарувчи” томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ келган муддатларда “Буюртмачи”га топширилади ва “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”дан кўрсатилган хизматлар ва ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномалари орқали қабул қилиб олинади.

IV. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари.

- 4.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:
 - “Буюртмачи”нинг талабига мувофиқ “Буюртмачи”га ёзма шаклда сертификатлаштириш қоидалари ва ишлари тўғрисида маслаҳат бериш;
 - барча зарурий ҳужжатлар тўплами билан “Буюртмачи”нинг аризасини қабул қилиш;
 - аризаларнинг тўлиқлигини текшириш ва уни рўйхатга олиш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчлигининг талабларига риоя этган ҳолда ишларни холис ва ўз вақтида амалга ошириш;
 - Меъёрий ҳужжатларга “Буюртмачи”нинг маҳсулот (иш, хизмат)лари мувофиқ (номувофиқ) келиши тўғрисида қарор

- қабул қилиш;
- Сертификат берилиши тұғрисида ижобий қарор қилинганда, мазкур ҳужжатни расмийлаштириш, рўйхатта олиш ва экологик сертификатни бериш;
 - махфийлик режимига риоя этган ҳолда сертификатлаштириш натижаларини тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаш. -
“Буюртмачи” билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.
- 4.2. “Бажарувчи”нинг ҳукуқлари:
- сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш учун “Буюртмачи”дан барча зарур маълумот ва ҳужжатларни олиш;
 - қонунчилик талабларига мувофиқ зарурат туғилганда, манфаатдор давлат ва маҳаллий ҳокимият органларига “Буюртмачи”га берилган сертификат тұғрисидаги ахборотларни тақдим этиш;
 - шартномага күшимча келишув асосида белгиланадиган сертификатлаштириш бўйича белгиланган тариф ва сертификатлаштиришини амалга ошириш тартиби тұғрисида ахборотларни тақдим этиш;
 - “Буюртмачи”дан кўрсатилган хизмат ёки ишларга тўловларни талаб қилиш.
- 4.3. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:
- сертификатлаштириш учун барча шароит ва мезонларини бажариш;
 - шартномада ҳамда унга кўра имзоланган күшимча келишувда кўрсатилган сертификатлаштириш ишларни амалга ошириш учун барча харажатларни тўлаш;
 - “Бажарувчи”га ишларни амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатлар (ишлаб чиқариладиган маҳсулот (унинг мавжудлиги) тұғрисидаги ҳужжатлар)ни тақдим этиш
 - Ўзбекистон Республикаси божхона худудидаги кириб келган белгиси бўлган товарни жўнатиш ҳужжатлари (товар-транспорт юқ хати, инвойс, ҳисоб-фактурулар ва бошқалар)нинг нусхалари. - “Бажарувчи”га тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.
- 4.4. “Буюртмачи”нинг ҳукуқи:
- республика худудига олиб келинадиган маҳсулотлар (чиқиндилар, хизматлар)ни экологик сертификатлаштириш ишлари бўйича “Бажарувчи” ваколатига оид бўлган барча зарур маълумотларни олишдан иборат;

V. Бошқа шартлар

- 5.1. Томонларнинг Низо ва келишмовчилклари ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этилади. Агар низолар ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги асосида тегишли иқтисодий судлар томонидан ҳал этилади.
- 5.2. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, енгиг бўлмайдиган кучлар оқибатида шартнома томони мажбуриятларни бажариши учун имконият бўлмаган ҳолларда (форс-мажор) томонлар мажбурият бажариш бўйича жавобгарлик қисман ёки тўлиқ озод этилади. Бу ҳолда мажбуриятни бажариш муддати енгил бўлмас кучнинг ҳолатига қараб узайтирилади.

VI. Шартномани амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

- 6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Газначилик бошқармасида рўйхатта олингандан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31-декабрга қадар амал қиласи.
- 6.2. Томонларнинг ўзаро келишувдага мувофиқ, шартнома шартларига ўзгартириш киритиш, уни бекор қилиш, амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.
- 6.3. Кўшимча келишув ҳамда шартнома бўйича барча ўзгартиришлар ёзма шаклда расмийлаштирилади ҳамда ўзаро томонлар ўртасида имзоланади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 6.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, унинг бир нусхаси “Бажарувчи”да, иккинчи нусхаси “Буюртмачи”да сақланади.

БАЖАРУВЧИ:

“Давэкосертификат” ДУК

Манзил: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский
район, улица Той-Тепа, дом 2А

Тел.: (99871) 236-02-32

Ҳисоб ракам: 20210000803733901001

СТИР: 202453220

ОКЭД: [71200] - РОЗНИЧНАЯ ТОРГОВЛЯ

DAVLAT EKOLOGIK
SERTIFIKATLAŞTIRISH
VA STANDARTLAŞTIRISH
MARKAZI
M.P.

БЮОРТМАЧИ:

**DAVLAT BELGISI» ДУК
ТОШКЕНТШ. ЮНУСОБОД ТУМ.
БОГИШАМОЛ. 160 'А.**

**TEL: 71 234-46-01
Х/Р 21596000305108789001
О'ЗРМБ TOSHKENT SH BBXKKM
МФО 0001 ИНЧ 206612737**



б. д. Дижнаев

12-01-2024

к Договору №ВВ-254 от 24.01.2022г.

Исполнитель:

Главный специалист

Х.М. Тулаганов

Специалист

Ж.Ш. Юлдашев

СОГЛАСОВАНИЕ

Начальник управления производства

Ж.У.Пардабоев

Заместитель главного бухгалтера

по налоговому учету и услугам

А.М.Шукурев

Заместитель директора бумажной фабрики

Ш.Д.Юлчиев

Ведущий аудитор службы внутреннего аудита

Л.Ф.Байбекова

Заместитель директора монетного двора

Х.С.Гуламов

Начальник отдела технологии

А.А. Тетерина

Главный юрисконсульт юридической службы

А.Х.Муратов